

ШХТнинг Остона саммити



Саммит 9 июнь куни Остона шаҳрининг Мустақиллик саройида давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раислигида ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Музокарада ШХТ ва унинг органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иктисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг сўнгги саммитида келишилган масалалар – ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иктисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидағи алоқаларни ривожлантиришга доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар.

ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа хужжатлар ижросига эътибор қаратилди.

ШХТ нисбатан қисқа вақт ичida нуфузли халқaro ташкилотга айланди. ШХТ тузилганидан кейин кўплаб давлатлар унга аъзо бўлиш истагини билдириди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида давлат раҳбарлари Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари мақомини бериш тўғрисида келишиб олган эди.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, АСЕАН каби халқaro ташкилотлар билан ҳамкорлик ШХТ нуфузи ошиб бораётганидан далолат беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттиридилар. Уларга кузатувчи давлатлар ва халқaro ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раислигига ўтган йигилишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари – Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўгулистан Республикаси Президенти Ҷаҳиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф иштирок этди. Мажлисда ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутериш, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрои котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби ўринбосари Аманжол Жанқулиев, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Мин иштирок этди.

Ўтган йиллар давомида ШХТ нуфузли давлатлараро ташкилот сифатида халқаро майдонда мустахкам ўрин эгаллади, кўп томонлама ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланган эди.

Саммитда Ҳиндистон ва Покистон ташкилотга аъзо сифатида қабул қилинди.

Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТ аъзоси мақомига эга бўлиши ташкилот имкониятларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва дунёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда кўп томонлама механизм сифатида ташкилот ролини янада оширишга хизмат қиласди.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жинояччилик, наркотик ва психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол, изчил курашмоқда.

Саммит иштирокчилари ШХТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳолади. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлаш борасида, хусусан, макроиктисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат

инфратузилмаларини модернизациялаш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ишбилармон доиралар ва молиявий тузилмалар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган фаолиятни кенгайтириш бўйича ўзаро алоқаларни фаоллаштиришни тавсия этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида саммит иштирокчилари эътиборини Афғонистондаги вазиятни яхшилаш зарурлигига қаратиб, у ерда содир этилаётган давомли терактлар дунёнинг барча мамлакатлари учун хавф солаётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу таҳдидларга ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда қарши курашиш зарурлигини қайд этди.

Ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб вояга етишида давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иктисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси доирасида транспорт-коммуникация соҳасини жадал ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

ШХТнинг доимий фаолият юритувчи ҳалқ дипломатияси марказини ташкил этиш ғоясини илгари сурди.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТ аъзолигига қабул қилиниши ҳамкорликни ривожлантириш учун буткул янги имкониятларни яратишини таъкидлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Хитой Ҳалқ Республикасига ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Остона саммити якунланди.

Давлат раҳбарлари кенгashi мажлиси яқунлари бўйича қабул қилинган Остона декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп

томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча сайд-харакатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари ШХТ саммити юксак савияда ташкил этилганини таъкидлаб, Қозогистон томонига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирилар.

ЎзА